

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ Phd.03/30.06.2020.T.L 11.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АВАЗОВ ЖЎРАБЕК ДОНАЕВИЧ

**БЎЛАЖАК МУҲАНДИСЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

(“Муҳандислик ва компьютер графикаси” фанини ўқитиш мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (техника фанлари)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Авазов Жўрабек Донаевич

“Бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини
такомиллаштириш” (Муҳандислик ва компьютер графикаси фанини
ўқитиш мисолида)..... 5

Авазов Жўрабек Донаевич

«Совершенствование профессиональной компетенции будущих
инженеров» (На примере обучения предмета инженерной и
компьютерной графики)..... 23

Авазов Жўрабек Донаевич

"Improving the professional competence of future engineers" (as an example
of teaching engineering and computer graphics)..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications..... 47

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ Phd.03/30.06.2020.T.L 11.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АВАЗОВ ЖЎРАБЕК ДОНАЕВИЧ

**БЎЛАЖАК МУҲАНДИСЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**
(“Муҳандислик ва компьютер графикаси” фанини ўқитиш мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (техника фанлари)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Ped2523 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.tiame.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шомирзаев Махматмурод Хурамович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жўраев Хусниддин Олтипбойевич
педагогика фанлари доктори, доцент

Панжиев Самижон Алиқулович
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ётақчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика университети

Диссертация химояси Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти ҳузуридаги PhD.03/30.06.2020.Т.111.02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «19» ноябр соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180100, Қарши ш., Мустақиллик шох кўчаси, 225-уй. Тел.: (+99875) 221-09-23, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: kiei.nfa@edu.uz).

Диссертация билан Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (37 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 180100, Қарши ш., Мустақиллик шох кўчаси, 225-уй. Тел.: (+99875) 221-09-23, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: kiei.nfa@edu.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «7» ноябр куни тарқатилди.
(2022 йил «7» ноябр № 16 рақамли реестр баённомаси).



Ф.М. Маматов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш асосидаги бир марталик
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Д.Ш. Чуянов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш асосидаги бир марталик илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Ш.У. Нуруллаева

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш асосидаги бир марталик
Илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда жадаллашиб бораётган илм-фан, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларидаги иқтисодий ривожланишида муваффақиятларга эришишда муҳандис кадрларни тайёрлаш, ижодий шахс сифатида шакллантириш, касбий компетентлигини такомиллаштиришга эҳтиёж кучаймоқда. Global Engineering Excellence Initiative (GEEI) ҳисоботига асосан муҳандиснинг малакаси янги ускуналар яратиш, замонавий юқори технологияларни ишлаб чиқиш, техник объектларни ишлаб чиқариш ва эксплуатация қилишни оптималлаштириш муаммоларини ижодий ҳал этиш қобилиятини ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунё илғор тажрибаларига кўра, Халқаро фан ва муҳандислик идораси (OISE), Америка таълим ва ривожланиш жамияти (ASTD), Миллий профессионал муҳандислар жамияти (NSPE), Муҳандислик ва технология институти (ABET), Буюк Британия муҳандислик кенгаши (ECUK), Австралия муҳандислар институти (IEAust) ва Япония муҳандислик таълими аккредитация Кенгаши (JABEE) каби инновацион интеллектуал марказлар касбий ривожланиш имкониятларини тақдим этиш, муҳандислар учун таълимни тартибга солиш ва таъминлаш, муҳандислик соҳасини ривожлантиришга инновацион ёндашувлар, таълим жараёнига замонавий методларни татбиқ этиш орқали бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини шакллантириш, бўлажак муҳандисларда глобал малакани сингдиришни асосий мақсад қилиб қўйган. Натижада, бўлажак муҳандисларни ўқитишда инновацион технологияларининг интегратив ёндашув асосида қўлланилиши, талабалар касбий компетенцияларининг кенгайтиришига олиб келиши тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ўқитиш жараёнининг шакллари ва технологиялари ўзгаришига, муҳандислар тайёрлаш сифатини баҳолаш мезонларига боғлиқ бўлган таълим фаолиятини технологияларини ўқув фаолиятининг ташкиллаштиришнинг методлари билан трансформацияси педагог-тадқиқотчилар фаолияти учун кенг имкониятлар тақдим этмоқда ва мамлакатимизда касбий фаолиятга жаҳон амалиётида қабул қилинган ёндашувни босқичма-босқич татбиқ этилмоқда. “Илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш” ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг асосий фаолият йўналишларидан таълим тизимида инновацияларни ишлаб чиқишни таъминлаш¹ каби устувор вазифалари белгиланган. Бу борада талабаларни муҳандислик касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаш, ўқув жараёнини ташкил этишнинг турли шакллари оптималлаштириш, бўлажак мутахассисларнинг касбий малакасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, иқтисодий тараққиётнинг замонавий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони // ҚХММБ: 06/17/5264/0339-сон 01.12.2017 й.

тенденциялари мутахассиснинг касбий фазилатлари соҳасига тобора кўпроқ талаб кўяди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепция тасдиқлаш тўғрисидаги”, 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора тadbирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олий таълим тизимида бўлажак мутахассисларнинг профессионал тайёргарлиги масалалари А.А.Абдуқодиров, Н.А.Муслимов, У.Н.Нишоналиев, Р.Хасанов, А.Р.Ходжабоев, Н.Саидахмедов, Қ.Ў.Толипов каби олимларнинг илмий тадқиқотлари асосини ташкил этади. График тайёргарлик олий техник таълим тизимида профессионал тайёргарлик асоси сифатида Ю.Қирғизбоев, Р.Хорунов, Ш.Мурадов, К.Қобулжонов, Ж.Ёдгоров, А.Акбаров, И.Рахмонов, П.Одилов, Р. Исматиллаев, Д.Ф.Қўчқарова, Т.Ж.Азимов, Э.Собитов ва бошқа олимлар ўз дарслик ва ўқув қўлланмалари билан графика фанлари (хусусан, чизма геометрия) назарияси ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшганлар.

МДХ мамлакатларида талабаларни замонавий муҳандислик таълими, ўқитиш ва такомиллаштиришнинг турли муаммолари бўйича С.И.Архангелский, Ю.К.Бабанский, В.П. Беспалько, А.А.Вербицкий, Л.С.Вигоцкий, В.А.Сластёнин, П.Я.Галперин, А.В.Хуторской, Н.Ф.Талйзина, шунингдек, И.Н.Акимованинг янги техникасини жорий этиш тўғрисида, О.В.Анякина, Г.С.Иванова, Г.А. Ивашченко, Г.Ф. Горшкова, Ю.Ф.Катханова, В.И. Нилова, Л.В. Павлова, Н.Н.Рижова, , В.И.Якунин ва бошқалар, график таълимни ўқитиш ва такомиллаштиришнинг турли муаммоларини ўрганиш бўйича А.Д.Ботвинников, Д.М.Борисов, Э.И.Валпас, К.Я.Вазина, А.А.Вербитский, В.А.Хервер, Г.Ф.Горшков, Э.А. Гнатишина, Н.М. Катханов, Ю.Ф. Катханова, В.В. Карпов, А.Ф.Касеев, С.Г.Марфин, В.И.Нилова, А.А. Пятышкин ва бошқалар томонидан амалга оширилди.

Муҳандислик касбий фаолиятига тайёргарлигини ривожлантириш, ўқитиш амалиётини оптималлаштириш, график тайёргарлик жараёнида ижодий фикрлашни ривожлантириш муаммолари хорижий олимлар H.S. Sandhu, James D. Bethune, N.D.Bhatt, G.S Phull, W.J.Haynie, J.Luo, T.E.Pinelli, K.B.Shaban, R.M.White, R.B.Guptalarнинг илмий ва методик асарларида акс этган тажрибага муносабат қилдик.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №АИФ-2/19 “Ўзбекистонда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида олий таълим тизимида масофавий таълимни ташкил этиш модели ва технологиясини ишлаб чиқиш” (2019-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади муҳандислар тайёрловчи олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини муҳандислик ва компьютер графикаси фани асосида такомиллаштиришнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тақиқотнинг вазифалари:

муҳандислар тайёрлаш таълим жараёнида бошланғич курслардан бошлаб талабаларнинг графикавий тайёргарлигини оширувчи ўқув-дидактик воситалар ишлаб чиқиш;

бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда мақсад, педагогик жараён ва натижавий блокларига устуворлик бериш асосида фаолиятли моделни ишлаб чиқиш;

бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини муҳандислик ва компьютер графикаси ўқув машғулотларида интерфаол таълим методлари ва инновацион технологияларини қўллаш асосида ривожлантириш;

бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини ривожланганлик даражаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва педагогик тажриба-синов ишларини ўтказиш ҳамда олинган натижаларга математик-статистик ишлов бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Урганч ва Термиз давлат университетларидан ҳамда Жиззах политехника, Наманган муҳандислик-қурилиш, Термиз муҳандислик-технология институтларидан 1221 респондент-талаба жалб этилди.

Тадқиқотнинг предметини муҳандислар тайёрловчи олий таълим муассасалари талабаларини касбий компетентлигини такомиллаштириш мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусига оид психологик, фалсафий, илмий-педагогик, ўқув-методик, техник, ўқув адабиётларини ўрганиш ва умумлаштириш, меъёрий хужжатлар, давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, намунавий ва ишчи дастурларни таҳлил қилиш, муҳандислик ва компьютер графикаси, геометрик моделлаштириш асосларини ўқитишнинг

илғор тажрибаларини таҳлил қилиш, биринчи курс ўқувчилари орасида синов ўтказиш, педагогик экспериментни лойиҳалаш, синтезлаш, белгилаш, моделлаштириш асосларини аниқлаш, талабалар билан ишлашда сўровномалар ва суҳбатлар ўтказиш, назорат ва экспериментал машғулотлар натижаларини математик статистик усулларида фойдаланган ҳолда ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

муҳандислар тайёрлаш таълим жараёнида бошланғич курслардан бошлаб талабаларнинг графикавий тайёргарлик бўйича билим ва малака ҳамда графикавий саводхонлигини оширувчи такомиллашган интегратив ёндашув асосида трансформациялаш орқали муҳандислик фанларини ўзлаштиришнинг ўқув-дидактик воситалар ишлаб чиқилган;

бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш мазмуни мультипредметлилик ва яхлитлик тамойиллари мақсад (ижтимоий буюртма, таълимий ва тарбиявий мақсадлар), педагогик жараён (касбий компетенциянинг таркибий қисмлари, мазмун, шакл, восита ва баҳолаш мезонлари) ҳамда натижавий компонентларига устуворлик бериш асосида фаолиятли модел такомиллаштирилган;

муҳандислик услубиятлари (агрегация, декомпозиция) асосида муҳандислик фанларини ўқитишда интерфаол таълим методларини (“development of spatial imagination”, “depiction of spatial shapes in the plane”, “active engineers”) қўллаш ва дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш орқали инновацион муҳандислик касбий фаолиятига тайёрлаш методикаси такомиллаштирилган;

бўлажак муҳандисларнинг касбий фаолиятига тайёргарлигини адекват мезонлар (мотивацион, когнитив, инновацион фаолиятли) асосида комплекс баҳолаш юзасидан репродуктив, продуктив, қисман изланувчанлик ва креативлик каби даражаларини шакллантиришнинг ўқув-услубий таъминоти такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Икки тўғри чизиқнинг ўзаро вазиятлари” модулини ўқитиш платформаси” деб номланган технологияси бўйича электрон таълим ресурслари яратилган;

махсус графикавий тайёргарлик (график билим ва малакалар, компьютер графикаси саводхонлиги) самарадорлигини оширувчи ўқув-дидактик воситалар ишлаб чиқилган;

муҳандислик ва компьютер графикаси фанини ўқитишда интерфаол таълим методларини (“development of spatial imagination”, “depiction of spatial shapes in the plane”, “active engineers”) қўллаш ва дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш орқали инновацион муҳандислик касбий фаолиятига тайёрлаш методикаси такомиллаштирилган;

ўқув-тажриба жараёнида қуйидагилар тайёрланди ва муваффақиятли фойдаланилмоқда: танланган мутахассисликни ҳисобга олган ҳолда “Муҳандислик ва компьютер графикаси” номли дарслик ва ўқув қўлланмаси

ҳамда “Талабаларни умумкасбий фанлар негизида муҳандислик фаолиятига бўлган касбий компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асослари” номли услубий қўлланма ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг тўғрилиги педагогик тадқиқотнинг мақсадларини амалга оширишда ўрнатилган методологиядан фойдаланиш билан тасдиқланганлиги, бу натижаларни амалий (апробациядан) синовдан ўтказиш, шунингдек, таклиф этилаётган янгиликлар самарадорлигини математик таҳлил қилиш, тажриба ишлари натижалари ўқув машғулотларининг режали харитаси ва фаннинг назарий материални тақдим этишда ҳаракатлар кетма-кетлигини таснифлагичларидан фойдаланиш самарадорлиги, якуний тест ва анкета сўровномаси биринчи курс талабаларининг ўқув жараёнига киришини муҳандислик ва компьютер графикаси бўйича маъруза ва амалий машғулотларга мослашувининг юқори даражасини кўрсатди, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларни ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, назарий материални экспериментал равишда синовдан ўтган махсус дидактик ўқув-услубий қўлланмалари - ўқув машғулотларининг режали хариталари ва ҳаракатлар кетма-кетлиги таснифлагичлари орқали етказиб беришнинг таклиф этилаётган усули муҳандислик ва компьютер графикасини ўқитиш жараёнида назарий материал тақдимотини такомиллаштиришга имкон берадиган кейинги услубий ишланмалар учун асос бўлиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, улардан олий таълим муассасаларида муҳандислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва чора тадбирлар дастурларини тайёрлаш, ноанъанавий усулда машғулотларни ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган методик тавсиялардан эса ўқув режа ва дастурлар ҳамда малака талабларини такомиллаштириш, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган асосий таклиф ва тавсиялардан олий таълим муассасаларида бўлажак муҳандисларни инновацион муҳандислик касбий фаолиятига бўлган қизиқишларини ошириш, таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ҳамда жамиятга юқори малакали ва рақобатбардош кадрлар етказиб беришда билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак муҳандисларни касбий компетентлигини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

муҳандислар тайёрлаш таълим жараёнида бошланғич курслардан бошлаб талабаларнинг графикавий тайёргарлик бўйича билим ва малака ҳамда графикавий саводхонлигини оширувчи такомиллашган интегратив ёндашув асосида трансформациялаш орқали муҳандислик фанларини ўзлаштиришнинг самарадорлигини оширувчи ўқув-дидактик воситалар ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишга оид таклифлардан Европа Иттифоқининг ERASMUS+

дастури лойиҳаси доирасида 2016-2019-йилларда бажарилган 574099-EPP-1-2016-1-IT-EPPKA2-SBHE-SP “Олий таълим соҳасида потенциални ривожлантириш йўналишидаги PAWER – Худудлараро мобилликни йўлга қўйиш ва бу борада долзарблик, сифат ҳамда тенгликни таъминлаш (2016-2019 йй.) мавзусидаги грант лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказининг 2022 йил 5 августдаги 02/02-01-23-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф ва тавсиялар бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришга хизмат қилган;

бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш мазмуни мультипредметлилик ва яхлитлик тамойиллари мақсад (ижтимоий буюртма, таълимий ва тарбиявий мақсадлар), педагогик жараён (касбий компетенциянинг таркибий қисмлари, мазмун, шакл, восита ва баҳолаш мезонлари) ҳамда натижавий компонентларига устуворлик бериш асосида фаолиятли модел такомиллаштиришга оид тавсиялар асосида “Икки тўғри чизиқнинг ўзаро вазиятлари” модулини ўқитиш платформаси” номли электрон дастур ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказининг 2022 йил 5 августдаги 02/02-01-23-сон маълумотномаси). Мазкур электрон дастур бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш методикасини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

муҳандислик услубиятлари (агрегация, декомпозиция) асосида муҳандислик фанларини ўқитишда интерфаол таълим методларини (“development of spatial imagination”, “depiction of spatial shapes in the plane”, “aktive engineers”) қўллаш ва дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш орқали инновацион муҳандислик касбий фаолиятига тайёрлашга оид дарслик ва ўқув қўлланма тайёрлаш имконини берди ва ушбу дарсликлар асосида мазкур фандан ДТС ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказининг 2022 йил 5 августдаги 02/02-01-23-сон маълумотномаси). Илмий натижалар ДТС 2021-2022 ўқув йилида амалиётга жорий этилган “Муҳандислик ва компьютер графикаси” номли янги авлод ўқув адабиётларининг яратилишига асос бўлган;

бўлажак муҳандисларнинг касбий фаолиятига тайёргарлигини адекват мезонлар (мотивацион, когнитив, инновацион фаолиятли) асосида комплекс баҳолаш юзасидан репродуктив, продуктив, қисман изланувчанлик ва креативлик каби даражаларини шакллантиришнинг ўқув-услубий таъминоти такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилган ва “Муҳандислик ва компьютер графикаси” номли дарсликлари мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш марказининг 2022 йил 5 августдаги 02/02-01-23-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар бўлажак

муҳандисларнинг инновацион касбий фаолиятига тайёргарлигининг шаклланганлик даражаларини баҳолаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, 1 та дарслик, 1 та ўқув қўлланма, 1 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шундан 4 таси хорижий ва 7 таси республика журналларида нашр этилган. 4 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, саккиз бўлим, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 128 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқот ишининг мақсад, вазибалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларга мослиги ва тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, тадқиқот ишининг тузилиши ҳақида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак муҳандисларни муҳандислик ва компьютер графикаси фани негизида касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида бўлажак муҳандисларни шакллантиришда касбий қизиқишлар ва субъектлараро алоқанинг илмий тадқиқот ишлари, олий таълимда бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини шакллантириш ва такомиллаштиришда муҳандислик ва компьютер графикаси фанининг ўрни ва аҳамияти, бўлажак муҳандисларни муҳандислик ва компьютер графикаси фани асосида касбий компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, графикавий ўқитишнинг тузилишида таълим даражасини ва янги методик усулларни амалга оширишни яхлитлиги “Муҳандислик ва компьютер графикаси” фанини ўқитиш шакллари ва усулларидаги талабалар ўқув ва когнитив фаолияти тавсифининг кетма-кетлиги (изчиллиги) тизимлилиги, уйғунлиги ҳозирги вақтда етакчи мутахассислар касбий компетенцияларини ривожлантириш принциплари ва воситалари бўйича илмий тавсиялар берилган.

Умумтехника фанларидан бири сифатида “Муҳандислик ва компьютер графикаси” муҳандис кадрлар тайёрлашда асосий фан ҳисобланади. Унинг ҳар бир бўлимида бошқа фанлар мазмуни билан боғлиқ ва уларни ўрганишда

иштирок этадиган материаллар мавжуд. Шунинг учун муҳандислик ва компьютер графикаси фанини ўрганиш жараёнида ушбу фанни Олий таълим муассасаси юқори курслардаги фанлар ва талабаларнинг келажакдаги касбий фаолияти билан узвий алоқани таъминлаш муҳим. Бундай мувофиқлаштириш “Муҳандислик ва компьютер графикаси” фанининг аҳамиятини оширади, ўқишга ва танланган касбни ўрганишга бўлган қизиқишни уйғотади.

Бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда муҳандислик ва компьютер графикаси фундаментал фан бўлиб, бу фан бўйича эгалланган билим ва малакалар асосида муҳандиснинг фазовий тасавури, техник тафаккури ва ижодий қобилияти каби хислатлари ривожланади. “Муҳандислик ва компьютер графикаси” ўқув фани талабаларда график билим ва малака компетенция кўникмаларни шакллантиришнинг асоси ҳисобланиб, ижодий қобилиятларининг намоён бўлишига йўл очади. Уларнинг фазовий тасавурларни кенгайтириб, лойиҳалашнинг асосини ташкил этувчи чизмаларни ўқиш ва бажариш, объектларнинг эскизи ва иш чизмаларини тузиш, перспектив тасвирларини куриш каби график саводхонлик малакалари билан қуроллантиради шунингдек, умуммуҳандислик фанларини ва махсус предметларни ўрганиш жараёнида график саводхонлик даражалари ривожланиб, мутахассислик фанлардан курс иши, курс лойиҳаларини бажариш жараёнида эгалланган кўникма билим, малака компетенциялардан фойдаланиб, битирув малакавий ишини бажариш жараёнида уларнинг графикавий ва ижодий қобилиятлари тўлиқ намоён қилади.

Муҳандисларни тайёрлашда муҳандислик ва компьютер графикасининг ўрни ва ролини аниқлаш учун биз социологик тадқиқот ўтказишга ҳаракат қилдик. Социологик тадқиқотлар таркибни янгилаш ва фаоллаштиришнинг илмий даражасини ошириш учун катта имкониятларга эга. Улар, бошқа тадқиқотлар билан бир қаторда, жараённинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини аниқ, чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилишга имкон беради.

Муҳандислик ва компьютер графикаси, дастурнинг бошқа фанлари қаторида мутахассиснинг малакасини оширишда устунлик қилади. Сўров маълумотлари 1-жадвалда келтирилган.

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичи, ишлаб чиқаришни техник жиҳозлаш даражаси, мураккаб технологияларнинг жорий этилиши ёш мутахассиснинг шахсияти, унинг малакаси, кўникмаси ва ташкилотчилигига бўлган талабни сезиларли даражада оширди.

1 –жадвал

Мутахассиснинг касбий ривожланишида муҳандислик ва компьютер графикаси фанининг ўрни ва аҳамияти

Анкета жавоб рақами	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	
Сўров йили	2018	3	5	30	10	7	9	22	10	29	26	16	11
	2019	7	6	25	9	4	3	27	12	25	28	15	21
	2020	8	9	29	11	1	4	30	17	30	30	29	23
	2021	11	4	27	7	4	6	31	23	29	15	21	24
2018-2021	7,2	6,0	27,8	9,2	4,0	5,5	27,5	15,5	28,2	24,7	20,2	20,0	

Шу муносабат билан, биз сўровномалардан ташқари, социологик маълумотларни тўплашнинг тенг самарали усулини - интервью методини ҳам қўллашни зарур деб билдик. Маълумот манбаи сифатида муҳандис-механик, йўл қурилиш муҳандислиги ва барча мутахассисликларининг иккинчи, учинчи, тўртинчи курс талабалари, ёш мутахассислар, ваколатли шахслар (корхона раҳбарлари, бўлимлар бошлиқлари) танлаб олинди.

“Муҳандислик ва компьютер графикаси” курсини ўқитиш усулларини ишлаб чиқиш компьютер технологиялари ёрдамида тузиш асосини ташкил этувчи иккита асосий қоидаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Биринчи қоида икки ўлчамли геометрик моделга ва лойиҳалаш жараёнини сезиларли даражада тезлаштириш ва лойиҳа ҳужжатларининг сифатини яхшилаш имконини берувчи компьютердан электрон доска сифатида фойдаланишга асосланган. Чизма, бу ҳолда етакчи ўринни эгаллайди ва геометрик вазифаларини ечиш, шунингдек шаклларни тузиш бўйича маълумотни ўз ичига олган шаклни тақдим этиш усули ҳисобланади.

Иккинчи қоида асл нусхани ифодалашнинг янада визуал усули ва турли мураккабликдаги геометрик вазифаларни ечиш учун қулайроқ восита сифатида шаклнинг фазовий геометрик моделини тузишни назарда тутди. Чизма чизиш ва лойиҳалаштириш объектининг геометрик моделини компьютерда тузиш техникасини билиш ҳар қандай мутахассислик муҳандисларини тайёрлашда энг муҳим бўғин ҳисобланади.

Ўқув жараёнини муваффақиятли интенсификантириш учун шахснинг ижодий салоҳиятини ҳаракатлантирадиган билим жараёнини бошқаришнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим. Таълим тезлигини оширишга ўқув материалларининг мазмунини ва ўқитиш усулларини такомиллаштириш орқали эришилади.

Бундай ўзгаришларни фақат асосий ўқув-тарбиявий қўлланма сифатида замонавий ахборот технологиялари ёрдамида амалга ошириш мумкин. Ахборот технологиялари таълимини компьютерлаштириш билан боғлиқ.

Диссертациянинг **“Бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида мутахассисларнинг касбий компетентлигини шаклланишида фанлараро интеграция, бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг ташкилий тузилмаси, бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини муҳандислик ва компьютер графикаси фани машғулотларида такомиллаштириш методикаси очиб берилган ҳамда амалиётга татбиқ этилган.

Бугунги кунда таълим жараёнида бўлаётган ўзгаришлар олий таълим тизимига ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган энг замонавий педагогик технологиялар, таълим дастурлари ихтисослик йўналишлари ва мутахассисликларни ҳудудлар ва соҳалар бўйича жорий этилаётган дастурларнинг талаб ва эҳтиёжлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни комплекс тараққий эттириш истиқболларини инобатга олган ҳолда шакллантиришни тақозо этмоқда. Бу ўзгаришлар асосида жамиятда фаол,

ижодкор ташаббускор, соҳага оид янгиликларни тез ўзлаштира олувчи, касбий малакага эга мутахассисларни тайёрлашни мақсад қилиб қўймоқда.

Бўлажак муҳандисларнинг касбий компетенциясини шакллантириш мураккаб ва кўп қиррали жараён, шу боис уни ўрганишда биз тизимли ва фаолиятга асосланган ёндашувларга таяндик. *Компетенцияга* асосланган ёндашувлардан фойдаланиш шахсий (шахсий фазилатларни ривожлантиришга эътибор) ва маълумотни (ахборот жараёни сифатидаги касбий фаолият) ўз ичига олган ҳолда, "бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлиги" концепциясининг мазмунини такомиллаштиришга олиб келди. *Тизимли* ёндашув бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини шакллантириш жараёнини педагогик тизим сифатида кўриб чиқиш ва унинг асосида моделга нисбатан ташқи ва ички функцияларни, структуравий блокларни ажратиб кўрсатиш ва уларнинг хусусиятларини ўрганиш учун модель ишлаб чиқиш имконини берди. Фаолият ёндашуви бўлажак муҳандис ва ўқитувчининг орасидаги ўзаро муносабатларини ташкил этишнинг мазмуни, шакллари, усулларини аниқлашни таъминлайди, бу эса бўлажак муҳандислар касбий фаолиятининг субъектлари сифатида шакллантиришни, уни ўзлаштиришга ва уни ижодий ўзгартиришга қодир деб ҳисоблаш имконини беради.

Тадқиқотда бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш моделини унинг билим, кўникма, малакалари ва шахсий фазилатларига кўра яхлит тизим сифатида яратиш масаласи тадқиқ этилди.

Юқорида келтирилган касбий компетентликни моделлаштиришга оид таҳлилларимиз ва ўрганишимиз асосида бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини муҳандислик ва компьютер графикаси фанини ўқитиш орқали такомиллаштиришни бир бутун тизим сифатида таҳлил қилиш мақсадида фаолиятли модели ишлаб чиқилди (1-расм).

Мазкур модель мақсадли блок, педагогик жараёнли блок, натижали блокга негизида қурилиб, унда ўқитувчи раҳбарлигида ҳамда талабанинг мустақил иши билан боғлиқ таълим шакллари асос сифатида олинди. Бўлажак муҳандисларни тайёрлашда таълим тури сифатида маъруза ва амалий машғулотларни ташкил этиш таълим технологиясини ишлаб чиқдик.

Ишлаб чиқилган моделга кўра, педагогик, техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар бўлажак муҳандисларни тайёрлашда педагогик, умуммуҳандислик ҳамда мутахассислик фанлари уйғунлигини таъминлаб, бўлажак муҳандисларнинг касбий тайёргарлигини юқори сифат даражасига кўтаради.


Муҳандислик психологияси методологиясининг ажралмас қисми бўлган тамойилларга асосланиб, биз бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини шакллантириш моделини лойиҳалашда фаоллик, инсонпарварлик, мураккаблик, изчиллик, фаолиятни ташкил этиш тамойилларига асосландик ва уларни тавсифладик.

Модель мақсадли (ижтимоий буюртмали мақсад, таълимий мақсадлар тарбиявий мақсадлар,) педагогик жараёнли (касбий компетенциясининг

таркибий қисмлари (мотивацион, операцион, рефлексив), мазмун (меъёрий ҳужжатлар, илмий адабиётлар, қўшимча материаллар), шакл (индивидуал, кичик гуруҳли, гуруҳли), метод (анъанавий, ноанъанавий), восита (реал, табиий, босма), қўлланиш соҳаси), натижавий (баҳолаш мезонлари (мотивацион, когнитив, инновацион фаолиятли) ҳамда натижа) блокларни ўз ичига олади.

Мақсадли блок мақсадларни тавсифлайди, улар: педагогика тушунчалари ва категорияларида ижтимоий буюртмали мақсади, ҳар бир дарсда ҳал қилинадиган педагогик мақсадлар, таълимий мақсадларни даражалайди: ижтимоий буюртмали мақсад – компетентлиги ривожланган бўлажак муҳандисларнинг касбий ҳаракатчанлигини таъминлаш. Олий таълим муассасаларида бўлажак муҳандисларни тайёрлашда саноат корхоналарининг таъсири, унда талабалар муҳандис сифатида фаолият юритиши соҳага тегишли ахборот кўникмаларини интеграциялаш, профессионал мулоқотлар, компанияларнинг ташрифлари ва меҳмонларнинг маърузалари давомида талабаларда касбий қизиқишни шакллантириш; таълимий – бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини такомиллаш-тиришда «Муҳандислик ва компьютер графикаси» фанини ўқитиш жараёнини ташкиллаштириш, талабаларни касбга оид тушунчалар билан таништириш, таянч компетенцияларни шакллантириш; тарбиявий – бўлажак муҳандисларда касбий компетентликни «Муҳандислик ва компьютер графикаси» фанини ўқитиш орқали ривожлантириш. Тарбиявий – талабаларда касбий компетентликни ривожлантириш (касб моҳияти, тажриба машғулотларини амалда бажариш, ишлаб чиқариш корхоналарига ташрифлар)ни ўргатиш; ривожлантирувчи – талабаларнинг касбий қизиқишларини муҳандислик компьютер графикаси фанида ўрганиш, уларни элементар таҳлил, синтез қилиш ҳамда хулоса чиқариш қобилиятини ривожлантириш киритилди.

Моделда педагогик жараён блоки бўлажак муҳандислар касбий компетенциясининг таркибий қисмларига мувофиқ фаолият мазмунини акс эттиради. Бўлажак муҳандисларнинг касбий компетенциясини шакллантириш жараёни субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг муҳим шакллари, усуллари ва воситаларининг турли комбинацияси, ташқи (шакллантириш, ўқитиш, ривожлантириш, тарбиялаш) ва моделга нисбатан



1-расм. Бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг фаолиятли модели.

ички (мақсадни белгилаш, ташкилий, лойиҳалаш, коммуникатив, баҳолаш) функсиялари киритилган. Мазмун касбий компетентциясининг таркибий қисмлари (мотивацион, тезкор, рефлексив) киритилган.

Моделда педагогик жараён қуйидаги даражалар билан методик элементлари аниқланди: мазмун (муҳандислик иши Давлат таълим стандарти, ўқув дастури: «Муҳандислик ва компьютер графикаси» фанини ўқитишга оид ҳужжатлар, илмий адабиётлар, электрон қўлланмалар ва манбалар, дидактик манбалар, кўргазмали қуроллар, макет ва тренажёрлар, техник объектлар); шакл (индивидуал, кичик гуруҳли ҳамда гуруҳли машғулотларни ташкил этиш); метод (анъанавий ва ноанъанавий технологиялар); восита (реал (деталларнинг макетлари, асбоб-ускуна ва жихозлар, АКТлар, дастурий таълим воситалари), табиий (механизмлар ва уларнинг қирқимлари, қисмлари ҳамда эскизлар), Босма (Кўргазмали плакатлар, чизмалар ва схемалар))

“Android Book Apk”, “HotPotatoes”, “iSpring, QuizMaker”, “AutoPlay Media Studio” дастурлари ҳамда HTML дастурлаш тилида бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган дастурий методик таъминотлар яратилиб, амалиётда қўлланилган.

Ушбу педагогик жараённи баҳолаш мотивацион, когнитив, инновацион фаолиятли мезонларга кўра амалга оширилади. Бу баҳолаш мезонлари юқори, яхши ва ўрта ўзлаштириш даражаларига бўлиниб, “Муҳандислик ва компьютер графикаси” ўқув фанида бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигининг ривожланганлиги баҳоланди. Натижада, “Муҳандислик ва компьютер графикаси” ўқув фанини ихтисослик фанлари билан фанлараро билимларнинг тизимланиши орқали касбий компетенцияларини ривожлантиришга эришилди.

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба - синов ишларини ташкил этиш ва уни ўтказиш”** деб номланган учинчи бобда бўлажак муҳандисларни тайёрлашда “Муҳандислик ва компьютер графикаси” ўқув фанини ўқитиш асосида талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш имконини берувчи педагогик шарт-шароитлардан самарали фойдаланиш даражасини аниқлашдан иборат бўлди.

Тажриба-синов ишлари 2018-2021 йиллар мобайнида амалга оширилиб, унга 1221 нафар респондент-талаба жалб этилди. Тадқиқотнинг асосий тажриба-синов ишлари Термиз давлат университети, Термиз муҳандислик-технология институти, Наманган муҳандислик-қурилиш институти, Урганч давлат университети, Жиззах политехника институтларида уч босқичда олиб борилди.

1. Асословчи тажриба босқичида (2018-2019 йиллар)да, олий таълим муассасаларида «Муҳандислик ва компьютер графикаси» ўқув фанини ўқитишда бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш ҳолати таҳлил қилинди. Тажриба-синов гуруҳларида машғулотлар тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришга қаратилган

дастурий воситалар асосида, назорат гуруҳларида эса анъанавий шаклда машғулотлар олиб борилди.

2. Шакллантирувчи тажриба босқичида тавсия этилган кўрсатма, ўқув кўлланма, ўқув-методик кўлланмалар, ўқув-методик мажмуалар, ўқув машғулотларининг режали харитаси, дастурий воситалар, тарқатма материаллар, кейс стади ностандарт тестлар, муаммоли вазиятли топшириқлар ва махсус графикавий тайёргарлик (график билим ва малакалар, графикавий саводхонлиги) самарадорлигини оширувчи ўқув-дидактик воситаларини ишлаб чиқиш шакллари асосида педагогик фаолият ташкил этилди. Ўқувчилар фаолиятини бевосита ва билвосита педагогик кузатиш, бўлажак муҳандисларнинг касбий қизиқишларини ривожлантиришга кўмак берадиган метод, шакл, воситалар, анкета сўровномаси, кузатув, интервью, тестлар, экспериментал ўқитиш, методиканинг элементларини муҳокама қилиш, ишни таҳлил этиш методлар ёрдамида график фанларнинг ўқув жараёнидаги аҳамияти ва ўрни, мутахассисларнинг касбий фаолиятидаги ютуқлар шакллантирилди.

